



THE IMPORTANCE OF ESTABLISHING PUBLIC CONTROL OVER THE ACTIVITIES OF GOVERNMENT BODIES IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Hosilova Shahnoza Abdumomin qizi ¹

¹ Tashkent State Law University, Master of Public Administration Law

<https://doi.org/10.5281/zenodo.4742197>

ARTICLE INFO

Received: 20th April 2021

Accepted: 25th April 2021

Online: 30th April 2021

KEY WORDS

Public oversight, Public Chamber, open budget, open justice

ABSTRACT

This article examines the issues of ensuring the transparency of government agencies, strengthening them through legislation, legal and economic regulation of the system of public control, the creation of a systematic and effective mechanism for monitoring the adoption and implementation of legislation by government agencies, its theoretical and legal aspects. devoted to analysis. The article provides scientifically based and practical proposals for improving the reforms in the system of public control, the implementation of the legal framework for the full implementation of the system.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ЎРНАТИШ АҲАМИЯТИ

Ҳосилова Шахноза Абдумўмин қизи ¹

¹ Тошкент давлат юридик университети Давлат бошқаруви ҳуқуқи юналиши магистри

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 20-aprel 2021

Ma'qullandi: 25-aprel 2021

Chop etildi: 30-aprel 2021

KALIT SO'ZLAR

Жамоатчилик
назорати, Жамоатчилик
палатаси, очиқ бюджет,
очиқ адлия

ANNOTATSIYA

Мазкур мақола давлат органлари фаолияти очиқлигини таъминлаш, қонунчилик орқали мустаҳкамлаш, жамоатчилик назорати тизимини ҳуқуқий, иқтисодий жиҳатдан тартибга солиш, давлат органлари томонидан қонун ҳужжатларини қабул қилиш ва ижро этиш устидан назоратни амалга оширишининг тизимли ва самарали механизмни яратиш масалаларини, унинг назарий ва ҳуқуқий жиҳатларини ўрганиш ва таҳлил қилишга бағишланган. Мақолада жамоатчилик назорати тизимидаги ислоҳотларни такомиллаштириш, тизим фаолиятини тўлиқ амалга оширилишининг ҳуқуқий асосларини амалиётга жорий этиш бўйича илмий асосланган ва амалий аҳамиятга ега таклифлар берилган.

Қонунларнинг тўқис ишлаши кўп жиҳатдан фуқароларнинг ҳуқуқий онгига, жамоатчилик фикри кучига ҳам боғлиқ. Шу сабабли жамоатчилик назорати институтининг амалда ишлаши учун

мамлакатимизда яшайдиган ҳар бир фуқаронинг сиёсий, ҳуқуқий ҳамда ижтимоий фаоллигини ошириш талаб этилади. Бунинг учун эса ҳар бир маҳалла, ҳар бир жамоа, оммавий ахборот



воситаларида жамоатчилик назорати хусусида доимий тарғибот ишларини олиб бориш талаб этилади.

Ўзбекистонда жамият ҳаётининг барча жабҳаларини эркинлаштириш, сўз ва матбуот эркинлиги, шунингдек, очиклик ва ошкоралик тамойилларини чуқур қарор топтириш, давлат ҳокимияти идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш бўйича бошлаган ишлар ортга қайтмас тус олган.

Бунга мисоли сифатида Президент Шавкат Мирзиёев томонидан 2020-йил 16 апрель куни «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатасини ташкил этиш тўғрисида»ги фармон имзоланганлигини келтириш мумкин.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги **Жамоатчилик палатаси** ва ҳар бир ҳудудда унинг бўлимлари ташкил этилди.

Палатанинг вазифаларига куйидагилар киради:

- Фуқаролик жамиятининг ҳолати ва ривожланиш тенденциялари тўғрисида йиллик миллий маърузалар тайёрлайди;

- Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш ҳамда тузатишлар киритиш тўғрисидаги таклифлар беради;

- Мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид ва жамоатчиликда алоҳида кизиқиш уйғотадиган ўта муҳим ва долзарб масалаларга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқади;

- Давлат органларига қонунлар, турли соҳалардаги давлат дастурларининг ижроси ҳамда уларнинг ваколатларига кирадиган бошқа муҳим масалалар

юзасидан тушунтириш бериш талабини юбориш ҳуқуқига эга.

Ушбу палата фаолиятидаги диққатни тортадиган жиҳати шуки, у кенг жамоатчилик номидан нафақат ички, балки ташқи сиёсатда ҳам ўз позитивиясига ега бўлади.

Давлат органи фаолиятининг очиклиги нима учун керак? Бу давлат органига нима беради?

Давлат органининг очиклиги, аввало, ҳисобдорлик учун керак. Яъни халқ давлат органига эмас, балки давлат органи халққа хизмат қилиши керак деган тамойилни тўлақонли амалга ошириш учун зарур. Одамлар у ёки бу ташкилот нима иш қилаётганини ва унинг фаолияти самарадорлигини билиб туриши керак.

Қолаверса, ҳеч қайси идора ўз ходимларини тўлиқ назорат қила олмайди. Шу сабабли муаммонинг ечими сифатида жамоатчилик назорати ва замонавий ахборот технологиялари қўлланилиши лозим. Яъни ҳар бир ходим, ўзининг фаолияти тўлиқ жамоатчилик назоратида эканлигини, айтилган ҳар бир гапи, ҳаракати минглаб нигоҳлар кузатувида эканлигини ҳис қилса, у ўз ўзидан ноқонуний ҳаракатлар ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайди.

Бу борада ислохотларнинг энг муҳим босқичларидан бири - 2018 йилда қабул қилинган Президент қарори [1] бўлди.

2020 йилдан бошлаб Давлат бюджети ҳамда давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ахборотлар батафсил баён этилган, илғор халқаро стандартларга мувофиқ тайёрланган қонун билан тасдиқланиши йўлга қўйилди.

«Очиқ бюджет» ахборот портали ишга туширилди. Жорий йилда эса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан «Рақамли Ўзбекистон - 2030» стратегияси тасдиқланди.



Бундан кўзланган мақсад - давлат идоралари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, интернет тармоғида очиқ маълумотларни, бошқа ахборотларни жойлаштириб боришни таъминлашдир.

Адлия вазирлиги тажрибасига тўхталсак. Адлия вазирлиги барча соҳадаги ислохотларнинг локомотивига айланишни мақсад қилган.

Вазирлик фаолияти ҳақида кенг жамоатчиликка мунтазам ахборот бериб бориш ва уларнинг ҳуқуқий маълумотларга бўлган эҳтиёжини таъминлашга қаратилган “Очиқ адлия” дастури 2018 йилдаёқ ишга туширилган. Дастур 34 та чора-тадбирни қамраб олди.

“Очиқ адлия” ижтимоий дастури орқали видео-аудио ёзувга рухсат берилди. Яъни жисмоний ва юридик шахслар адлия органлари биноларида аудио-видео ёзиш мосламаларидан эркин фойдаланиши мумкин.

Шу йўл билан эътибордан четда қолаётган жиҳатларни, ўз вазифасини лозим даражада бажармаётган ходимларни аниқлаш бўйича жамоатчилик ёрдамидан фойдаланилмоқда.

Бунга мисол тариқасида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги халқ олдидаги масъулият ва ҳисобдорлик туйғусини тўлиқ англаган ҳолда 2019 йил учун бир йиллик фаолияти ҳақидаги ҳисоботни батафсил, кўرғазмали тарзда омма эътиборига ҳавола этганлигини айтиш мумкин.

Очиқлик ва шаффофлик давр талаби экан, ҳар бир давлат ташкилоти жамоатчилик олдида ҳисобот бериши лозим!

Бугунги кунда эса, давлат бошқаруви ва ҳокимияти органларининг самарали фаолият юритишида жамоатчилик назорати

омили жуда муҳим аҳамият касб этади. Давлат органлари раҳбар-ходимларининг қонунларга қатъий амал қилиб, ўз зиммаларидаги вазифа ва мажбуриятларини масъулият билан адо этишларида бу институтнинг таъсир доираси ниҳоятда юқори.

Шундай экан, жамоатчилик назоратини амалга оширишда, биринчи навбатда, барча фуқароларнинг, қолаверса, нодавлат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролини янада кучайтириш лозим. Бу борада бугун мамлакатда кечаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий жараёнларга нисбатан масъулият, ташаббускорлик, дахлдорлик ҳислари ҳар бир инсон онгида шаклланиши керак. Биз ҳар қандай қонунбузилиш ҳолатларига мурасасиз бўлсак, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатларига кўпчилик бўлиб баҳо берсак, ўз фикр-мулоҳазаларимизни эмин-эркин баён этсак, ана ўшанда чинакам қонун устуворлиги таъминланади.

Дарҳақиқат, жамоатчилик назорати ижтимоий адолатни қарор топтириш учун шахс, жамият ҳамда давлат алоқаларида мувозанат, тенглик, ўзаро масъулият ва жавобгарликка хизмат қилади. Мазкур институт юртимизда инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари нафақат давлат томонидан қафолатлангани, балки давлат органлари фаолиятида устувор аҳамиятга эга эканлигини таъминлайди ва бунда жамоатчилик назоратининг мавжуд эканлиги сиёсий ҳокимиятнинг том маънода халқ кўлида бўлишининг кўрсаткичи ҳисобланади.

Маълумки, давлат раҳбарининг 2018 йил 4 июлдаги Қарорига [2] кўра, давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашининг асосий вазифалари, функциялари, ваколатлари ва фаолиятини ташкил этиш тартиби белгилаб берилганди.



Унга асосан, жамоатчилик кенгаши давлат органи раҳбарининг қарори билан ташкил этилиши, у ўз ишини жамоатчилик асосида олиб бориши ҳамда доимий фаолият юритувчи маслаҳат кенгаш органи ҳисобланиши, унинг қарорлари тавсиявий хусусиятга эга ҳисобланиши назарда тутилганди.

Бироқ, орадан мана 1,5 йил ўтяптики, давлат органи хузурида тузилган жамоатчилик кенгашлари фаолияти бугунги кун талаблари даражасида ташкил этилмаяпти. “Тараққиёт стратегияси” маркази томонидан олиб борилган мониторинг ишлари ва таҳлиллар натижаси бу каби жамоатчилик ишлари аксарият ҳолларда номигагина, расмийлик учун фақат қоғозда ташкил этилгани, реал ҳаётда уларнинг роли деярли сезилмаётганидан далолат бермоқда.

Ваҳоланки, Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган чоратadbирларга мувофиқ, қабул қилинган ва 2018 йил 13 апрель кунидан кучга кирган “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонун ижросини таъминлашда давлат органи хузуридаги жамоатчилик кенгашларининг фаолияти самарадор бўлиши долзарб аҳамиятга эга.

Хусусан, ушбу Қонунда давлат органига мурожаатлар ва сўровлар; давлат органининг очиқ ҳайъат мажлисларида иштирок этиш; жамоатчилик муҳокамаси; эшитуви; мониторинги; экспертизаси; жамоатчилик фикрини ўрганиш; фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан ижро этувчи ҳокимият органининг, бошқа ташкилотлар ва муассасаларнинг ҳисоботларини эшитиш каби жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг шакллари белгилаб қўйилган.

Бироқ, “Тараққиёт стратегияси” маркази томонидан ўрганишлар яқунлари

жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ушбу шаклларидан фойдаланиш ва натижаларга эришиш ишлари қониқарли эмаслигидан далолат бермоқда. Айниқса, жамоатчилик эшитуви, жамоатчилик мониторинги, жамоатчилик экспертизаси каби нормалар деярли фаолиятга жорий этилмаяпти. Шунингдек, маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан ижро этувчи ҳокимият органининг, бошқа ташкилотлар ва муассасаларнинг ҳисоботларини эшитиш амалиёти ханузгача йўлга қўйилмаган.

Қонунда давлат органининг, улар мансабдор шахсларининг фаолиятига тааллуқли ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган масалаларни муҳокама қилиш учун нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ва оммавий ахборот воситалари жамоатчилик эшитувларини ўтказишлари мумкинлиги белгиланган бўлса-да, бу норманинг ҳам амалиётда ишлатилиши ниҳоятда суст бермоқда. Жамоатчилик фикрини ўрганиш институтидан эса, фақатгина санокли нодавлат ташкилотлар фойданишмоқда, холос.

Бундан ташқари, жамоатчилик назорати тизимида, шунингдек, унинг субъектлари ваколатлари ва фаолиятида еътиборга лойиқ ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Президентнинг 6181-сонли Фармонида [3] нодавлат нотижорат ташкилотларининг парламентда доимий вакили бўлиши кўзда тутилган.

Унга кўра, нодавлат нотижорат ташкилотларининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва унинг қўмиталари (комиссиялар) мажлисларида иштирок этувчи доимий вакили жорий этилади.

Доимий вакилнинг асосий вазибалари этиб қонун лойиҳалари ва қуйи палатанинг ваколатларига қирадиган масалалар бўйича муҳокамалар ва



йиғилишларда ижтимоий шериклик, таъсирчан жамоатчилик назорати механизмларини жорий қилишб, шунингдек, уларни амалиётга тўғри қўллаш, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ифода қилиш белгиланган.

Шунингдек, бугунги кунда маҳаллий давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига бозор ислохотларини амалга ошириш, тадбиркорликни рағбатлантириш, хусусий мулкни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш, истеъмол бозорини тўлдириш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, одамларнинг моддий фаровонлигини ошириш ва аҳолини кучли ижтимоий муҳофаза қилиш каби муҳим вазифалар қўйилган.

Юқорида таъкидлаб ўтилган вазифаларни бажариш борасида мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлардан кўзланган натижаларга эришишда жамоатчилик назоратини ривожлантириш долзарб вазифа ҳисобланади. Жамоатчилик назоратини ўрнатишнинг зарурлиги энг аввало, коррупция, таъмагирлик, маҳаллийчилик, ўз вазифасини суистеъмол қилиш, фирибгарлик, одамлар онгини турли хил унсурлар билан заҳарлаш каби таҳдидларнинг олдини олиш ҳамда уларга барҳам беришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Дарҳақиқат, фуқаролик жамиятида кишиларнинг фаоллиги ҳамда ижтимоий ходисаларга бефарқ бўлмаслиги, давлат органларида ишлаётган ҳар бир раҳбар ходимнинг ўз фаолиятининг жамоатчилик назорати остида эканини чуқур ҳис этиши жамият ривожига муҳим аҳамиятга эга.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада

такомиллаштириш демократияни амалга оширишнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб, бунда жамиятнинг барча институтлари маҳаллалар билан ҳамкорликда амалий ҳаракатлар олиб бориши мақсадга мувофиқдир. Фуқаролар йиғини “ҳар чорақда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг фуқаролар йиғинлари фаолияти соҳасига кировчи масалалар юзасидан ҳисоботларини эшитади. Фуқаролар йиғинларининг ҳисоботлар тўғрисидаги баённомалари тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига юборилади, улар бу баённомаларнинг ҳисобини юритади, фуқаролар йиғинларининг мурожаатлари кўриб чиқилиши устидан назоратни амалга оширади” [4] деб белгилаб қўйилган.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жамоатчилик назоратининг амалга оширилиши қонун ҳужжатларининг устуворлигини таъминлашда, уларнинг амалиётга тўлиқ тадбиқ этилишида, фуқароларнинг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда, улар томонидан турли хил ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олишда, фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини такомиллаштиришда, тадбиркорликни ривожлантиришда, соғлом рақобат муҳитини яратишда, энг муҳими, фуқароларнинг фаровон турмуш тарзини кучайтириш тизимини янада такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Жамоатчилик назорати фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан давлат ҳокимияти



органларига у ёки бу қарорларни қабул қилиш бўйича мурожаатлар қилиш, давлат ҳокимияти органлари ваколатига кирувчи масалалар бўйича сўровларни амалга ошириш, давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллалар ҳудудларидаги корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш каби шаклларида йўлга қўйилган. Бу эса жамоатчилик назоратининг жамиятда ижтимоий адолатнинг қарор топиши, шахс, жамият ва давлат алоқаларида мувозанат, тенглик, ўзаро масъулият ва жавобгарликка хизмат қилувчи асосий омилдир.

Юқорида илгари сурилган масалалардан келиб чиқиб, қуйидагича таклифни илгари суриш мумкин:

Хусусийлаштириш жараёнлари тўлиқ жамоатчилик назорати остида бўлиши лозим.

Афсуски мамлакат келажагига дахлдор бўлган муҳим масала-хусусийлаштириш жараёнлари тор доирадаги шахслар иштирокида амалга оширилмоқда.

Жамоатчилик шу жумладан, аҳолининг турмуш даражаси ва инфратузилмаси пастлигидан доимий шикоят ва эътирозларини эшитишга мажбур, ҳал қилишнинг реал ричаги чекланган депутатларда ҳам бу жараёнларнинг ҳолислигига шубҳалари ортиб бормоқда.

Чунки давлат улуши бўлган ҳар қандай ташкилотда халқнинг ҳам улуши бор.

Халқ давлатнинг бирдан бир манбаи ва унинг бойлиги кимга, нима учун берилаётганини билишга ва буни ўзгартиришга тўла ҳаққи бор. Токи унга ҳам тегишли бойликка кимлар эгалик қилмоқчи-ю, нега унга ичимлик суви етиб келмагани, унинг фарзанди бораётган мактаб йўли нима учун абгорлигини билиб олиши учун.

Шу сабабдан айтилиши вақтдаги ҳар қайси хусусийлаштириш билан боғлиқ масала кенг жамоатчилик энг камида парламентга ҳисоб бериб, халқ вакиллари таклифларини инобатга олиш шаклида амалга оширилиши керак.

Хулоса ўрнида шуни келтириш мумкинки, давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг ўрнатилиши фуқаролик жамияти барпо этишнинг энг муҳим шартларидан биридир. Фуқароларнинг фаоллиги, ижтимоий ҳодисаларга дахлдорлик ҳиссининг ортиши ҳамда ҳар бир давлат хизматчисининг ўз фаолияти жамоатчилик назорати остида эканлигини чуқур ҳис этиб бориши фуқаролик жамияти шаклланиши жараёнининг муҳим шартларидандир. Яъни, давлат органлари халққа ўз сиёсати, ҳаракатларини тушунтириб бериши, унинг олдида ҳисобот бериб бориши лозимдир.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. “Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4086-сонли Президент қарори. 2018. URL. <http://lex.uz>.
2. “Давлат органлари ҳузурида жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 3837-сонли Президент қарори. 2018. URL. <http://lex.uz>.
3. «2021 — 2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 6181-сонли Президент фармони. URL. <http://lex.uz>.
4. “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги 350-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги тахрирда). 2013. URL. <http://lex.uz>.